

Тошкент Оқшомми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 66 (10.875)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар



КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ ТОШКЕНТ» МЕҲМОНХОНАСИДА «ЭНЕРГЕТИКА. КИМЁ. МАШИНАСОЗЛИК» — «Industrial Expo Uzbekistan! — 2007» 3-ХАЛҚАРО САНОАТ КЎРГАЗМАСИ ЎЗ ИШНИ БОШЛАДИ.



Кўргазмалар

«ЭНЕРГЕТИКА. КИМЁ. МАШИНАСОЗЛИК»

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, энергетика, машинасозлик ва химия соҳасида ҳар бир давлат иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан саналиб, албатта Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас.

Савдо-саноат палатаси ақиндан кўмак берди. Халқаро кўргазма доирасида илк бор «Laboratory Expo Uzbekistan» 1-Марказий Осиё ихтисослашган кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган «Кучимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақда сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўриқлиши Академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Дин ишлари бўйича кўмита томонидан ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов кўп бор таъкидлаганидек, мустақиллигимизнинг энг катта ютуғи — бу мамлакатимизда мустақам қарор топган тинчлик ва фуқаролар тотувлиги, демократик ҳуқуқий давлат қуришдек олижаноб мақсад йўлида бирлашган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ҳамжиҳатлигиндир.

Касба сатрларда

КЕЧА ва бугун Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси олдидан пойтахт депутатлик комиссияларининг долзарб масалаларга бағишланган йиғилиши ўтказилди.
БУГУН Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Махсусэнергогаз» корхонасида Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Амир Темур маънавияти—тилимиз кўзгусида» деб номланди.

бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими вакиллари иштирокида бўлиди.
ШАХРИМИЗДА мактабдан ташқари таълим муассасаларининг КЕЧАдан бошланган «Камалда—2007» миллий аънавлари ва замонавийлик мавзусидаги тасвирий ва халқ амалий санъати шаҳар фестивал ташаббуси БУГУН якунланди.
ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармасида КЕЧА истеъмол товарлари сифатини янада яхшилаш, бу борада қабул қилинган қонунларга риоя қилишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
КЕЧА Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан ушбу соҳа мутасаддилари иштирокида ўтказилган тадбир-

да маънавий-маърифий ишларини янада жонлантиришининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.
228-МАКТАБДА уюштирилган ўқув-услубий семинарда Уч-тепа туманидаги мактабларнинг меҳнат фани ўқитувчилари иштирокида катнашчиларга ўқувчилар томонидан тайёрланган зарарлиқ маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди.
КЕЧА Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Музаффар фильм» студияси киножодкорлари томонидан яратилган «Шаббона» бадиий фильмининг тақдироти кино мухлислари эътиборига ҳавола этилди.
(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва Ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Кучимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАРОР ТОПГАН ОСОЙИШТАЛИК ВА МИЛЛАТЛАРО ТУТУВЛИК МУҲИТИ ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДА ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН МУСТАҚАМ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган «Кучимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақда сўз юритилди. Тадбир Республика байналмилал маданият маркази, Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўриқлиши Академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Дин ишлари бўйича кўмита томонидан ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов кўп бор таъкидлаганидек, мустақиллигимизнинг энг катта ютуғи — бу мамлакатимизда мустақам қарор топган тинчлик ва фуқаролар тотувлиги, демократик ҳуқуқий давлат қуришдек олижаноб мақсад йўлида бирлашган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ҳамжиҳатлигиндир. Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов конференцияни очар экан, бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элват вакиллари юзга оила бўлиб аҳил-инок яшаётганини қайд этди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ фуқаролар манфаатини таъминлаш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади этиб белгиланди. Республикаимизда амалга оширилаётган давлат сиёсати инсонпарварлик, миллий ва умуминсоний қад-

риятларга асосланади. Қадимдан Ўзбек халқига хос бўлган маданият ва диний бағрикенглик бу жараённинг асосини ташкил этади. Буюк Ипақ йўлининг асосий йўналишлари ўтган мамлакатимиз ҳудудида асрлар давомида қўллаб-қувватланган вақиллари ёнма-ён, тинч-тотув яшаб келган. Ўзга халқларнинг маданияти, тили, дини, аънаъна ва урф-одатларини ҳурмат қилиш тарихий тараққиёт йўлини белгилаб берган маънавий қадрият сифатида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Бугунги дорилмомон кунларда асрлар мобайнида шаклланган бағрикенглик тамойили янги куч-қудрат ва янада теран маъно-мазмун касб этди, ижтимоий муносабатларнинг узвий қисмига айланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КЕНГАШИГА РАИСЛИК ҚИЛИБ ТУРГАН ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНING МУРЖОААТИГА МУВОФИҚ ГЕРМАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ЖАНУБИЙ КАВКАЗ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БЎЛИМИ РАҲБАРИ ЖАНОБ РОЛЬФ ШУЛЬЦЕ РАҲБАРЛИГИДАГИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЭКСПЕРТЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ 2007 ЙИЛНИНГ 31 МАРТИДАН 4 АПРЕЛГА ҚАДАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.

Ташрифдан мақсад Европа Иттифоқи экспертларининг 2006 йил 11-15 декабрь кунлари Ўзбекистонга сафарни якунларига қўра уларда 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеалар бўйича пайдо бўлган қўшимча саволларни муҳокама қилишдан иборат эди.
Ушбу ташриф доирасида Европа Иттифоқи экспертлари Ташқи ишлар вазириликда қабул қилинди, Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари экспертлари билан уларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Шунингдек, ЕИ экспертлари жазога ҳукми этилганлар, уларнинг адвокатлари ва судьялар билан ҳам учрашди.
Европа Иттифоқи делегациясининг эксперт учрашувлари давомида Андижон воқеалари бўйича ўтказилган текширувлар ва кўзатирилган жиноий ишларни судда қўриб чиқиш ақуналарига тегишли уларни қизиқтирган барча масалалар бўйича батафсил маълумот тақдим этилди.
Ташриф доирасидаги учрашувлар ишчанлик назорати, ўзаро ҳурмат руҳида ўтди. Томонлар бўлиб ўтган амалий мулоқотлардан қониқиб ҳосил қилганини билдирди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

Кеча Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлажак аскарларнинг навбатдаги гуруҳини Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ учун кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда чақирилувчиларнинг ота-оналари, ҳокимликлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди.

«Экосан» халқаро ташкилоти, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди ҳамкорликда ташкил этган «Саломатлик» поезде Бухоро вилоятига жўнаб кетди. Қарийб 50 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган ушбу поездда 15 нафар малакали шифокор бўлиб, улар 10 кун мобайнида вилоят туманларида экологик вазиятни ўрганиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказадилар.

Президент соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб 13-14 апрель кунлари Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳида ўтказилаётган VIII халқаро турнир ва аёллар ўртасида ўтадиган илк жаҳон чемпионатида 30 дан зиёд мамлакат вакилларининг қатнаши кутилмоқда.

Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликда ўтказиб келаётган «Сиз тарихини белгисизми?» аънавий республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди.

Тошкент Давлат техника университетида «Амир Темур ва ҳозирги замон» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларида фаолият юритаётган олимлар ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Жарқўрғон туманидаги замонавий касб-хунар коллежлари сони яна биттага кўпайди. Яъни «Сурхонтаъминот» қурилиш бошқармаси «Сурхон» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида иқтисодиёт коллежини қуриб битказди. 4 блокдан иборат ўқув биносига ётқоҳона, ошхона, спорт заллари, футбол, волейбол, баскетбол майдончаси, кутубхона мавжуд. Лаборатория хоналари энг сўнги русумдаги ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Кўргонтепа туманида «Кўштепатекистиль» Ўзбекистон-Хитой қўшма текстиль корхонаси ташкил этилди. Қўшма корхона лойиҳа қувватига қиқчақ, йиғирилган иппи 5 минг тоннага ва ип-газламалари ишлаб чиқаришни 7 минг погон метрга етказди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми экспорт қилинади.

ЖАҲОНДА

Нихоят Эрон ва Буюк Британия ўртасида икки ҳафтадан буён давом этаётган можаро ниҳоясига етди. Кеча Техронда Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинажот иштирокида ўтказилган матбуот анжуманидан сўнг мамлакат ҳудудий суварлига кирганликда айбланиб, Форс кўлтигида 23 мартда қўлга олинган 15 нафар британиялик ҳарбий денгизчилар озод этилди.

Украина Адлия вазирлиги мамлакат Президентига унинг Олий Радаи тарқатиш тўғрисидаги Фармони бекор қилишни таклиф қилди. Вазирликнинг нуқтаи назарига кўра, Президент В.Юшченконинг ушбу фармони мамлакат Конституциясига зиддир.

Сиёсий кучларнинг босими остида кеча Украина Конституциявий судининг раиси истеъфога чиқилиши билдирган бўлса-да, мамлакат ҳаётидаги жуда мураккаб ва зиддиятли пайда унинг истеъфоси қабул қилинмади.

Европа комиссияси раҳбари Жозе Мануэл Баррозу Германиянинг собиқ канцлери Гельмут Колга Нобел мукофотини бериш таклифи билан чиқди. Баррозунинг фикрича, Германиянинг бирлашиши ўз ўзидан бўлгани йўқ. Бунда Гельмут Колнинг хизмати катта.

«Аирбус» самолётсозлик компаниясининг Франциядаги минглаб ходимлари компанияни қайта ташкил этишга мўлжалланган «Power 8» дастурига қарши норозилик намойишларини ўтказмоқда. Компания касоба уюшмаси «Аирбус»нинг Францияда жойлашган заводларидаги ишчиларни ярим қушлик иш ташлашга чиқарди.

Руминиядан Италияга қадар нефть қувири қурилиши бўйича лойиҳа юзасидан Руминия, Сербия, Словения, Италия ва Хорватия энергетика вазирлари ўзаро декларация имзолашди. Агарда ушбу қувири ишга тушса, Каспий денгизи ҳудудидан йилга 90 миллион тонна нефтни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Миналардан тозалаш Сараево марказининг билдирлишича, Босния ва Герцеговина ҳудудларини миналардан тўлиқ тозалаш ишлари агарда давлат томонидан молиялаштириш амалга ошириладиган бўлса, 2019 йилга бориб якунланиши мумкин экан. Марказ мутахассисларининг баҳо беришича, ҳозирги кунда миналашган майдонларнинг 1800 квадрат километр, ёки собиқ Югославия Республикасининг 4 фоизига тенг ҳудуд хали миналардан тозаланмаган.

БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИНING МИНТАҚАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ОБОДОНЧИЛИК ВАЗИРИ АСЕН ГАГАУЗОВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ

Болгария Республикасининг Минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазири Асен Гагаузовнинг мамлакатимизга ташрифи Тошкент шаҳар ҳокимлигининг алоқалари билан ушбу соҳа мутасаддилари иштирокида ўтказилган тадбир-

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Форумда болгариялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоа жалб қилишининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодийтимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Болгария ишбилармон доиралари вакилларининг кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда болгариялик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан пахтачилик, пахта ва пахта маҳсулотлари савдоси, металлургия ишлов бериши, сув таъминоти, мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Болгария ишбилармон доиралари вакилларининг кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда болгариялик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан пахтачилик, пахта ва пахта маҳсулотлари савдоси, металлургия ишлов бериши, сув таъминоти, мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири







МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Бировнинг кимлигини билмай десанг, унинг сирларидан хабардор бўл, дилидаги мақсадини қандай издор қилишини бил.

Эрмас ул фарзонаким, тарк этти дунё ҳосилин, Балки ҳосил қилгани майл этмаган

Фарзонадур. Дунё бойлигини тарк этган эмас, балки уни йиғишга қизиқмаган киши оқил ҳисобланади.

Эйки, кўнгулгир сирин истарсенки, пинҳон асрасанг,

Даҳр боғи ичра очма гунчадек зинҳор оғиз.

Кўнгулгирдаги сиринг яширин қолишини истасанг, бу дунё боғида сира гунча каби оғзингни очма.

Эски оламга кўнгул кўп боғлама — Ким, мусофирга ватан бўлмас рабоб.

Карвонсарой мусофирга ватанлик қилмагани каби, бу эски олам ҳам инсонга вафо қилмайди, шунинг учун унга кўнгул боғлама.

Эй Навой, давр аёгин тут ганимат, ушбу дам —

Ким, саботе йўқтурур бу даврга, давронга ҳам.

Эй Навой, даврада айлаиб турган май қдаҳини ганимат бил, чунки бу дунёга ҳам, бу давронга ҳам ишонч йўқ.

Эй Навой, олам аҳлидин қироқ тут зинҳор — Ким, мулоқоти аларнинг кўп маломат эткурур.

Эй Навой, олам аҳлидин ўзингни хилватга ол, чунки улор билан муомала-мулоқотда бўлишдан кишига малоллик этади.

Эй хуш улким, бошининг остидадур дилбар кўли —

Ким, Навой кечалар бори ўз илгин ёстанур.

Севгилиснинг кўлига бош қўйиб ухлаган киши бахтлидур. Навой узун тунар бошининг остига ўз кўлини қўйиб этади.

Эй кўнгул, раҳмат сенга, ҳар нечаким кўрдунг жафо,

Олам аҳлидин вафо ҳаргиз таманно қилмадинг.

Эй кўнгул, ҳар қанча жабру жафо кўрсанг ҳам, бу дунё кишиларидан меҳру вафо умид қилмаганинг учун сенга раҳмат!

Эй Навой, даҳр йўку бори тинмаслигдурур.

Тингасен гар қилмасанг парво йўку бориға ҳам.

Эй Навой, бу дунёнинг бутун мазмун-моҳияти гоҳ йўқни, гоҳ борни деб тиним билмаслиқ, ўзни ўту чўкка уришдан иборат. Фақат дунёнинг бориға ҳам, йўғига ҳам парво қилмайдиган кишигина хотиржам бўлади.

Эй Навой, гар десанг кўп инжимай давр аҳлидин,

Ҳар не дерлар ё қилурлар, қилмағил парво, басе.

Эй Навой, замона одамларидан хафа бўлмай десанг, нима десалар ҳам, нима қилсалар ҳам, ортиқча парво қилма.

Эй Навой, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут, Елга етмак мумкин эрмасгур чу сурьат кўргузуб.

Эй Навой, умр шамолдек ўтади, шамолга эса, ҳар қанча юғриб ҳам етиб бўлмайди. Шундай экан, вақтингни хуш ўтказ.

Эй Навой, чу ўтар яхши-ёмон, гам емадег, Улки, давронда эрур ишрати кам, меҳати кўп.

Эй Навой, яхши ҳам, ёмон ҳам ўтар экан, беҳуда гам ема, азалдан бу дунёнинг роҳати каму кулфати кўп.

Эрур мазлуми золим қатли ишқ олда кўп осон, Агар Фарҳод ўлди, қатл топмай қолдимиз

Парвез? Ишқ учун мазлумни ҳам, золимни ҳам қатл этиш қийин эмас. Хусрав Парвез Фарҳодни ўлдирган бўлса, унинг ўзи ҳам ўли Шеруа тумонидан ўлим топди-ку!

Элга новак урди, мен ўлдман, эрур бу турфаким,

Жоним этган реш эл бағрига кирган хор эмиш.

Эл кўксига урилган тигдан мен ҳалок бўлдим. Бу кизик ҳоли кўрингим: эл бағрига санчилган тикан менинг жонимга жароҳат етказмиш.

Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топмаммон.

Мен ҳали ўзимни ўзим топганим йўғ-у, эл қандай қилиб мени топсин?

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий, Бас, эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

Бу дунёда молу мартаба ўткинчи, яхши ном эса боқий қолади. Шундай экан, қўлингдан иш келганда одамларнинг ҳолатини раво қил.

Эшитмай халқ пандин, турфаким, панд элга ҳам дерсен,

Қила олсанг, эшиттил панд, сен ким, элга бермак панд.

Ўзинг халқ панд-насихатини эшитмайсан-у, яна одамларга панду насихат қилганинг қизиқ. Қўлингдан келса, ўзинг панду насихат эшит, чунки сен киму элга панду насихат қилиш нима?

Эй кўнгул, куйдур тамаъ тухмин, таманно мазраъин,

Бу экинни чунки ҳаргиз қилмади доно писанд.

Эй кўнгул, тама уруғини-ю, бировдан илтимос қилиш экинни куйдириб ташла, чунки доно киши бу экинни сира ёқтирмайди.

Эй кўнгул, Фарҳод ила Вомиқ доғи Махжун қани?

Бўлмағил гофилки, бир-бир бордилар ҳамроҳлар.

Эл насиби чу азал қисматида топти ракам,

Сенки саъй ортуқ этарсен, нечук ўлғай нофиъ.

Ўзинг ризку насибаси азалдан қисматида белгилаб қўйилган. Шундай экан, сенинг ортиқча қўйиб-пишганингдан нима фойда?

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Фестиваллар

ХАЛҚ ХУНАРМАНДИЧИЛИГИНИ ТИКЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИ ЎЗИНИНГ БОЙ ВА АЖОЙИБ ЭКСПОЗИЦИЯСИ БИЛАН НАФАҚАТ ДИЁРИМИЗДА, БАЛКИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ҲАМ ЯХШИ ТАНИЛГАН. КУНИ КЕЧА ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ МАРВАРИДИ-МАРҒИЛОН ШАХРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ, УШБУ АЖОЙИБ ГЎШАДА ЎЛКАМИЗНИНГ САНАЪАТ МУЗЕЙЛАРИ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ушбу нуфузли тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда «Ўзбекмузей» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Шундай тадбир ўтган йили Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналарда ташкил этилган эди.

Фестивалнинг ҳакамлари ҳайъати 12 номинация бўйича ғолибларни аниқлади. «Энг чиройли безатилган экспозиция» номинацияси бўйича ғолиблик Ўзбекистон амалий санъат музейига насиб этди, музей дипломи ва рангли телевизор билан тақдирланди.

Ўз навбатида Турғун Тўхтаев барча музей раҳбарларига тухфа сифатида «Музейларда буюмларни давлат рўйхатидан ўтказиш, илмий рўйхатлаш ва ҳужжатларни юритиш» бўйича услубий қўлланмани тақдим этди. Бу услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон Амалий санъат музейи ходимлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, музей ишларини юритишда катта аҳамиятга эгалиги таъкидлаб ўтилди.

Раҳматхон АКМАЛОВ СУРАТДА: Ўзбекистон Амалий санъат музейи экспозицияси. Муаллиф олган сурат

Мусобақалар

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ОИЛА ТАЯНЧИ

«КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯҚИНДА ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН АЁЛ ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА «СОҒЛОМ ОНА—СОҒЛОМ ОИЛА ТАЯНЧИ» ШИОРИ ОСТИДА СПОРТНИНГ СТОЛ ТЕННИСИ, БАДМИНТОН ВА МАСОФАГА ЮГУРИШ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Ушбу мусобақа Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида ўтказилиб унда 30 нафар 35 ёшгача бўлган қизлар ўзаро беллашдилар.

Барчада яхши таассурот қолдирди. Бири-биридан чаққон ва эгчил бўлган мусобақа иштирокчилари фақат галабага интилиб, бор билим ва имкониятларини намойиш этдилар. Мусобақа сўнггида ғолиблар «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан эсдалик соғвалари билан тақдирландилар. (Ўз мухбиримиз)

ИЛК БАҲОРДА УНИБ ЧИҚАДИГАН СЕРХОСИЯТЛИ НАБОТОТ НАМУНАЛАРИДАН БИРИ ЛИМОНЎТ БЎЛИБ, У КЎП ХАСТАЛИКЛАРГА ДАВО СИФАТИДА ИШЛАТИЛИБ КЕЛИНАДИ. ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ТАБОБАТИДА ЛИМОНЎТДАН АСАБНИ ТИНЧЛАТИРУВЧИ, ПЕШОБ ҲАЙДОВЧИ НЕЪМАТ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИ.

Лимон ўтдан тайёрланган дамламанинг бадармонлик, овқатни ҳазмлаш, чангак ва тиришишга хотиما берувчи пешоб ва ел ҳайдовчи, оғриқдан фориг этувчи, ички қабул-ятдан холи қилувчи хусусиятлари мавжуд. Халқ табobati билимдонларининг берган маълумотларига қараганда, лимон ўт воситасида тайёрланган дори-дармонлар (дамлама, тиндирма, гиёҳ мойи) бош гангишга даво, фалаж ва ниркизга энгиллик беради. Хуш кетишида фикрлашни тиклайди, шайтонлаш ва кўнчиққа ижобий таъсир кўрсатади. Усимлик мойи юрак ҳаприқишига, бод,

Шифобахш неъматлар Тетиклаштирувчи гиёҳ

Беланги, юрак санчигида фойда келтириб, ҳайзни маромлаштириди, тер ҳайдаш қобилиятига ҳам эга. Ўз даврида ҳакими-ҳозик Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида лимон ўт хосиятлари устида тўхталиб шундай ёзганди: «Лимон ўт одами тетиклаштиради, юракни бакуват қилади, ҳаприқишнинг олдини олади, мия тикималарини очади, оғиздаги ноҳуш ҳидларга барҳам беради».

Болгар шифокорлари лимон ўтнинг яна ўзгача хосиятларидан фойдаландилар. Жумладан, лимон ўт елланли билан боғлиқ бўлган қорин санчлиқларидан ҳалос этади, кўнгул айниб қайт қилишни тўхтатади. Уйқусизликка тиним бағишлаб, шақиккага (мигрен) даволик қилади. Шунингдек тери тошмаларига барҳам беришда асқотади. Ташқи муолажа сифатида лимон ўт воситасида тайёрланадиган дамлама милк касалланганда — бўғилшида гарғара қилинади, чипқон азиятига таскин берувчи бозиллаша (компресс) ёки боғламалар қилинади. Бир қатор олимларнинг қайд қилишларича, лимон ўтдан тайёрланган дори-дармон юрак оғриғи билан озорланган кишиларга ижобий таъсир кўрсатади, ичигидаги хансирашни йўқотди, юрак уриши метёрга тушиб тахикардия йўқолади. Юрак қисқариши махсусдор бўлади. Шунингдек қон босими камайиши билан бирга нафас бир маромли тус олади.

Одамнинг бирорта жойи лат еса, яра бўлса, бод дарди азоблайдиган бўлса, лимон ўтдан ёстиқча қилиниб ўша азиятланган жойларга босилади. Урта Осиё халқ табobatiда одамда дангасалик тутганида, камқонликда, бош гангишида, бош диққат бўлиб оғриганида лимон ўтдан дамлама тайёрлаб

ичилади. Лимон ўтдан қуйидагича дамлама тайёрланади: 20 грамм қуритилган лимон ўтдан олиб устига ярим чойнақ (200 г) қайноқ сув солинади ва яхшилаб ўраб қўйилади. Дамлама совуғач, ош қошиғида кўнига 5-6 марта ичилади. Айни баҳор палласида лимон ўтнинг мурғак гиёҳида шифоли омиллар кўп бўлади. Унинг таркибида 150 мг С белгили дармондори, салмоқли миқдорда каротиноидлар, эйфор мойлари, ошловчи моддалар, қаҳва, олеин ва уросол кислоталари, маъданли унсурлар, шиллик ва бошқа фойдали омиллар бўлади.

Лимон ўтнинг мурғак барглари сархил ҳолида ёки қуритилган кўринишида турфа таомларга, шарбат, сутли озиқларга қўшиб истеъмол қилиниши мумкин. Айни кўклам пайларда кўклати чучвара ҳамда сомсалар таркибига лимон ўт сабзалари киритиладиган бўлса, дармондориларга мутоҳж бўлиб турган аъзоларимизга мос келиб, юқумли касалликлардан муҳофазаланишимизда алоҳида аҳамият касб этади.

Доно ХУҲАЕВА, олий тоифали доришунос.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Катта ҳажмли сувўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек, 2007 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан ДУК «Сувсоз» трести истеъмолчиларга ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

- 9 апрель соат 9.00 дан 10 апрель соат 9.00 гача
1. Юнусобод тумани 2, 4, 5 мавзеларда сув босими пасаяди.
2. Юнусобод тумани 11, 12, 14-мавзеларда, «Аҳил» маҳалласида сув бўлмайди.
11 апрель соат 21.00 дан 12 апрель соат 6.00 гача
1. Ҳамза, Миробод, Сергели туманларида сув босимининг пасайиши — умумий. М.Улуғбек, Яккасарой туманларида сув босими пасаяди.
16 апрель соат 9.00 дан 17 апрель 12.00 гача
1. Ҳамза тумани, Лисунов 1, 1а, 2, 4 мавзеларида, Галабанинг 40 йиллиги, 58-шаҳарча, Алиев кўчасида сув босими пасаяди. Сергели тумани Локомотив, Саади, Чоштепа кўчаларида сув босими пасаяди.
2. Ҳамза тумани Слоном, Жаркўргон, Фарғона йўли кўчаларида, Боку, Алимкент, М.Ашрафий кўчаларида, Слоном 1, 2-мавзеларида сув бўлмайди. Миробод тумани Фарғона йўли, Фетисов, Першин, Стародубцев, Фитрат кўчаларида, Янгизамон, Бехтерев, Фитрат массивларида сув бўлмайди.
17 апрель соат 9.00 дан 18 апрель соат 9.00 гача
1. С.Раҳимов тумани «Мевазор» маҳалласида сув босими пасаяди.
2. С.Раҳимов тумани Марказ-22, Сариксув, Гуручарик, Тарих, Тевосан, Файзли баланд, 3.Бобохонов, Е.Бобохонов, Зарқайнар кўчаларида қисман сув бўлмайди.
19 апрель соат 9.00 дан 20 апрель соат 9.00 гача
1. Ҳамза, Миробод туманларида сув босими пасайиши — умумий. Сергели туманида босим пасайиши — қисман.

- 23 апрель соат 9.00 дан 24 апрель соат 9.00 гача
1. Юнусобод, С.Раҳимов, Шайхонтохур, Учтепа туманларида сув босими пасаяди.
24 апрель соат 9.00 дан 25 апрель соат 21.00 гача
1. Сергели тумани «Чоштепа», Навой маҳаллаларида, Чоштепа кўчаси ва унга туташ кўчаларда сув бўлмайди.
26 апрель соат 9.00 дан 26 апрель соат 21.00 гача
1. Шайхонтохур тумани Ибн Сино 1, 2, Белтепа мавзеларида, «Белтепа», «Зияев» маҳаллаларида сув бўлмайди.
1 май соат 9.00 дан 2 май соат 9.00 гача
1. Сергели тумани Саади, Чоштепа, Янги Сергели кўчаларида ва уларга туташ кўчаларда, «Чоштепа», Навой маҳаллаларида, Ўзғариш посёлқасида, Навой хўжалигида сув бўлмайди.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади. Маълумот учун телефонлар: 133-15-95, 133-75-95, 152-60-08.

Тошкент шаҳри аҳолисининг кўплай илтимосларига мувофиқ бутун апрель ойида цирк манежиди «Ҳайвонлар карнавали» дастурининг намойиши давом этади. БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАР, ШОШИЛИНГ, ШОШИЛИНГ!!! Тошошалар шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилик кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3061 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақидиланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6